
Пастки Хўжа Хасанликлар олиб борилаётган ислохотлардан мамнун.
Бугун туманимизнинг 28 та маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан ички кўчаларни асфальтлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан тумандаги Пастки Хўжа Хасан маҳалласининг 12 та кўчаларидаги 14 км ички кўчалар асфальтлаштирилаётгани ҳудуд аҳолисини бирдек мамнун қилди.

Ёғингарчилик мавсумида лой, иссиқ кунларда чанг бўлаётган ушбу кўчалар аҳолини узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган муаммо эди. Бугун ушбу олиб борилаётган ишларда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ислохотлардан хурсандликларини айтмоқдалар.

2023-03-16 15:51:08